

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 28 апрель • шанба • № 51 (4024)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН
ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР
ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель кунки Покистон Ислам Республикасининг Қуруқликдаги қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант Қамар Жовид Базвеа бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон билан Покистон ўртасида сўнгги йилларда жадал ривожланаётган, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш тамойилларига, шунингдек, умумий тарих, дин, анъана ва маънавий кадриятлар муштараклигига асосланган кўп қиррали алоқаларнинг яна бир далили эканини алоҳида таъкидлади.

Турли даражадаги сиёсий мулоқотлар фаоллашгани кайд этилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайтириш, ўзаро савдо ҳажми ортиб бораётгани, Икки мамлакат компаниялари ва тadbirkorлари томонидан кишлоқ хўжалиги машинасозлиги, фармацевтика, тўқимачилик, кўнчилик, озиқ-овқат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида кўшма лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлар кенгаши иш бошлади.

Ўтган йил апрель ойидан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Тошкент — Лаҳор — Тошкент йўналиши бўйича парвозлари қайта тикланди.

Маданий-ижтимоий ва туристик алмашинувлар, жумладан, мамлакатимизга зиёрат туризми дастури доирасидаги саёҳатлар кенгаймоқда.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли алоқалар, жум-

ладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларга оид ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлик истикболлари, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

Меҳмон давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайннинг саломини етказди.

Генерал Қ.Бажва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Куроли Кучларни модернизация қилиш ва мамлакат мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо берди.

Жорий йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича ҳалқаро конференциянинг амалий натижалари тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Учрашув сўнггида Покистоннинг Қуруқликдаги қўшинлар қўмондони Покистон Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

ЎЗА

Андижонда инсулин ишлаб
чиқариш йўлга қўйилди

Андижон туманидаги Хортум кишлоғида йилига 10 миллион флакон инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш қувватига эга завод иш бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ҳамда 2017 йил 23 февралдаги «Тadbirkorларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижроси доирасида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг молиявий кўмағида Андижон туманидаги «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамияти томонидан инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилиб, ишга туширилди.

Худуди қарийб 1,5 гектар майдонни эгаллаган ушбу завод Марказий Осиёда ягона бўлиб, асосан қандли диабет касаллигини даволашда қўлланиладиган инсулин дори воситаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қурилиш-монтаж ишлари «Gulf pharmaceutical industries» компанияси кўмағида «Server Servis Health» хусусий қурилиш-монтаж корхонаси қурувчилари томонидан бажарилди. Илгор технологиялар билан жиҳозланган ушбу замонавий заводда ишчи-хизматчиларнинг самарали фаолият юри-

тиши учун барча шароит яратилган. Корхона худуди ва атрофида ҳам қатта ҳажмдаги обodonлаштириш ишлари амалга оширилган.

Айни пайтга қадар инсулин дори воситаси юртимизга четдан келтирилади. Заводнинг ишга туширилиши билан ушбу дори воситаси импорти ҳажми камайди, валюта тежалади, дорининг таннарихи пасаяди. Яъни, хориждан 3-4 АҚШ доллари эвазига келтириладиган инсулин энди корхона томонидан аҳолига 2,5 доллар қийматда етказиб берилади.

Умумий лойиҳа қиймати қарийб 28 миллиард сўм бўлган ушбу заводга Германия, Франция, Швейцария, Хитой, Ҳиндистон давлатларидан замонавий ускуна ва технологиялар келтириб ўрнатилди. Инсулин дори воситасини сифатли, халқаро талаблар даражасида тайёрлаш бўйича зарур барча ишлар бажарилди.

Завод йилига 10 миллион флакон инсулин ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Авазбек Низоми. — Маҳсулотимизнинг 30 фоизи мамлакатимиз ички бозори талабини қоплайди, қолган қисми, яъни йилига 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот Қирғизистон, Қозғистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

ЎЗА

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юртимизда уруғчилик соҳасини тубдан такомиллаштириш, сифатли ва рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни халқаро бозорларга янада илгари суриш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини имзолади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 апрель кунки «Обод кишлоқ» дастурини амалга оширишни самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ва бу борадаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда «Обод кишлоқ» дастурини амалга ошириш борасидаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этишга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

Қўрилган масалалар юзасидан аниқ вазифалар ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

«Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятининг самардорлигини янада ошириш, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг бу соҳадаги ваколатларини кенгайтириш ҳамда фаол иштирокни таъминлаш мақсадида кўплаб вазифалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон 2018 йил 29 апрель — 1 май кунлари давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 26 апрель кунки Марио Абдо Бенитесни Парагвай Республикаси Президенти лавозимига сайлангани билан табриклади.

Жорий йилнинг 22 апрель кунки Парагвайда президент сайлови бўлиб ўтган эди. Унда «Колорадо» партиясидан кўрсатилган номзод Марио Абдо Бенитес ютиб чиққан эди.

Президент Нидерландлар Ки-роли Виллем-Александрни миллий байрам — Ки-рол кунини билан муборакбод этди.

Шавкат Мирзиёев Жанубий Африка Республикаси Президенти Сирил Рамафосани Озодлик кунини билан табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ артисти, танинкли кинорежиссёр Шухрат Аббосовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташкари сессиясида Жаҳонгир Ортиқхўжаев Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тасдиқланди.

Эслаб ўтамиз, Ж.Ортиқхўжаев айни пайтгача «Артел Инжиниринг» масъулияти чекланган жамияти директори лавозимида ишлаб келган.

Айни пайтгача Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Раҳмонбек Усмонов Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлигининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.


Қозғистон Республикасининг Остона шаҳридаги «Корме» кўргазмалар марказида «III Евроосиё халқаро китоб кўргазма ярмаркаси» бўлиб ўтмоқда.

Қозғистонда «2018 йил Ўзбекистон йили», деб эълон қилинган муносабати билан кўргазмада Ўзбекистон павильонига алоҳида эътибор қаратилган.

Интернет нашрлар хабарлари асосида тайёрланди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ —

ЖАМИЯТНИНГ ИНСОНИЙЛИК ҚИЁФАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ

HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Мажлисда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов иштирокчиларга самарали музокара, аниқ тақлиф ва мулоҳазалар учун миннатдорчилик билдирди ҳамда конференциядан қўзланган мақсадларнинг барчасига эришилганини кайд этди. Жумладан, иштирокчилар 2021 йилгача бўлган даврда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат органлари, қасаба уюшма ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг

26 апрель кунки «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро анжуман ўз ишнини давом эттирди. Иштирокчилар 4 та шўьба йиғилишларида кун тартибидagi масалалар юзасидан ўз таклифларини ишлаб чиқди. Шўьба йиғилишларидан сўнг анжуманнинг иккинчи ялпи мажлиси ўтказилди. Унда шўьба мунозаралари якуни ва халқаро анжуман тавсияларига тақлифлар муҳокама қилинди.



турли институтлари билан изчил ҳамкорликда Ўзбекистонда эришилган кучли ижтимоий сиёсат натижалари билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Ҳукуматимиз ва жамоат ташкилотлари, иш бевувилар ижтимоий шериклик тамойиллари асосида олиб бораётган ишлар натижасида бутун қўлга киритилган ютуқлар чегара эмаслиги, келажакда бу борада янада муҳим вазифаларни амалга ошириш режалаштирилаётгани таъкидлаб ўтилди. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган барча вазифалар аҳоли

2»



Анжуман

Маълумки, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан бири қонун устуворлигидир. Эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган юртимизда барча давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти, алоқалари ва муносабатлари қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Қонун ижодкорлиги

инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилмоқда

Жамиятимиздаги ўзгаришлар замон талабларига уйғун кечаётгани сабабли кечаги қонунлар бугунги кун талабига жавоб бермай қолди. Бундай вазиятда эса ҳаётимизни ҳуқуқий тартибга солиб турувчи қонунларга давр талабидан келиб чиққан ҳолда янгилар киритиб бориш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Аллия вазирлигида бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинганга бағишланган анжуманда ҳам айнан шу ҳақда гап борди. Жумладан, мазкур қонун билан мамлакатимизда амалда бўлган 51 та қонун, 9 та кодексга ўзгартишлар киритилди.

— Қонунларни давр талабига мослаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши масала-

сига ҳам жиддий эътибор қаратилади, — деди Аллия вазирлиги Ҳуқуқий тартибот ва маърифат бошқармаси бошлиғи Шерзод Рабиев. — Илгор хорижий тажрибалар мутахассислар томонидан чуқур ўрганиб чиқилди.

Жумладан, шу пайтга қадар онла аъзолари ёки яқин қариндошлари орасида «судланган» шахснинг бўлиши фуқароларни масъул лавозимлар, нуфузли ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идораларига ишга жойлаштиришга тўқсизлик қилар эди. Янги меъёrlарга кўра, бундай адолатсизликка чек қўйилди.

Анжуманда қонунларга киритилган бу каби янгиларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг маълумот берилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ —

ЖАМИЯТНИНГ ИНСОНИЙЛИК ҚИЁФАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ

41

Иккинчи ялпи мажлисга раислик қилган Халқаро меҳнат ташкилоти меҳнат Бюроси бош директорининг махус маслаҳатчиси Кари Тапиола Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг фикрини маълумлади. Конференция иштирокчилари белгиланган барча вазифаларни самарали ушладгани, ижтимоий ҳимоя соҳасида Ўзбекистон эришган ютуқлар билан танишиш асосида дунё бўйлаб қўлланишга лойиқ тажриба орттирилганини таъкидлади. Уч томонлама музокаралар олиб бориш халқаро меҳнат метёрларини қўллашда асосий мезон экани, Ўзбекистонда ҳукумат, жамоат ташкилотлари ва иш берувчилар уч томонлама ҳамкорлик тамойиллари бўйича фаолият юритаётгани келажакда қўйилган катта сармоа эканини алоҳида таъкидлади.

Конференция иштирокчилари юртимизда гувоҳ бўлган воқеалардан келиб чиқиб, тавсиялар лойиҳасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан Тошкентда ўтказилган мазкур тадбир ўзаро тажриба алмашиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришда давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа органлари имкониятларини бирлаштиришда муҳим роль ўйнаганини алоҳида эътироф этди.

— Шўъба йиғилишларида муҳокама қилинган масалалар юзасидан «Тошкент конференцияси» тавсияларидан қўллаб-қувватлаш ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш соҳасида самарали фойдаланиш, деб ҳисоблайман, — дейди ХМТнинг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси Марказий Осиё ва Европа шўъбаси вакили Сергус Гло-



вацкас. — Зеро, ижтимоий ҳимоя даражаси давлатнинг инсонийлик қиёфасини белгилловчи муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистонда кейинги йилларда мазкур масалалар бўйича катта ўзгаришлар рўй берди. Биргина болалар меҳнатидан фойдаланиш ва мажбурий меҳнатнинг барҳам толиғи, бу жараёнда ҳукумат, касаба уюшмалари ва халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигида ўтказган тадбирлари таъсирини лойиқ. Инсонга инсондек яшаш учун нима керак? Албатта, тинч ва тўқис оила, қўлай бошпана, муносиб иш ва меҳнат шартлари, таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, кексайданида муносиб пенсияга чиқиш имконияти, бирор оғир шартда тушиб қолганида қариндош-уруғ, қўни-қўшни, меҳнат жамоаси, давлат ва бошқа жамоат ташкилотлари уни ёлғизлатиб қўй-

маслигига ишонч. Бир сўз билан айтганда, қўн-гил тўқлиги зарур. Ана шу жараёнларнинг бари умумижтимоий ҳимоядир. Халқаро конференцияда Ўзбекистонда мазкур масалалар бўйича кенг қўллаш, тезкор, замон билан ҳамқадам ислохотлар амалга оширилаётгани ва улар ўрганишга лойиқ самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик.

Шунингдек, хорижий экспертлар Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди. — Бугун Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларни бутун дунё диққат билан кузатиб турибди, — дейди хорижий эксперт, Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори, профессор Виктор Гришин. — Замонавий Ўзбекистон дунё иқтисодиётининг турли жабҳаларида юқори

натижаларни қўлга киритиш билан бирга, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш борасида ҳам самарали иш олиб бормоқда. Тан олиш кераки, иқтисодиёт оқсаган мамлакатда ижтимоий ҳимоя ҳам бўлмайди. Чунки таълим, тиббиёт, арзон уй-жой, пенсия, нафақалар, моддий ёрдамлар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламлари манфаатлари учун маблағ зарур. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасида мутлақо янги сиёсий кайфият вужудга келди. Яхши қўшничилик ва ишончга асосланган ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Бу эса савдо, тараққиёт ва жамият фаровонлиги ошишига сабаб бўляпти. Ҳаракатлар стратегияси барча йўналишларнинг асосий моҳияти фуқаролар турмуш шартини янада яхшилашга хизмат қилишини ҳар қандай инсон дарров фахмлайди. Аҳоли билан очик мулоқотлар эса муаммоларни жойида қўп куч ва вақт сарфламай бартараф қилиш имконини бermoқда.

Конференция якунларига кўра, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш бўйича Тошкент халқаро конференцияси Резолюцияси маълумланди.

Анжуман доирасида халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти Бюроси (ACTRAV) иштирокида Марказий Осиё давлатлари — касаба уюшмалари вакилларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Унда келгусида ижтимоий-меҳнат муносабатлари, ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга келишиб олинди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» муҳбири

Хайрли ишлар ифодаси

Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференция аҳоли ижтимоий ҳимояси соҳасида барча халқаро ташкилотлар, давлатлар билан очик мулоқотга киришишга тайёр эканлигини мизни яна бир қарра исботлади.

Шерзод ҚУДБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири



Халқаро ҳамкорликнинг замонавий формати

Зеро, бу борада ҳеч кимдан яширадиган сиримиз йўқ. Мухтарам Президентимиз раҳнаомлигида амалга оширилаётган барча савий-ҳаракатлар фақат ва фақат аҳоли фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражасини оширишга йўналтирилган. Конференция асоси халқаро ҳамкорлигимиз ана шу ҳақиқатга тўла-тўқис амин бўлиши. Маълумки, очик мулоқот, баҳс-мунозара ва учрашувлар чоғида кўз ўнгимизда намоен бўлади. Мунозаралар доирасида улар бизнинг, биз эса уларнинг илғор тажрибалари билан яқиндан танишганимиз ҳаммага фойда келтириши шубҳасиз.

Айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонга биринчи марта таширф буюрган аксарият меҳмонларимизни мамлакатимиз бюджет маблағларининг олтинчи фоизидан кўпроқ қисми ижтимоий соҳага йўналтирилаётгани хайратга солиди. Бу мақсадлар, олти таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларга ажратилаётган турли кўринишдаги моддий ёрдамлар ва бошқаларда ўз ифодасини топомқда. Айниқса, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламлари учун ажратилаётган уй-жойлар, бу борада жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлган меҳмонлар мазкур тажрибани ўз юртида ҳам амалиётга жорий этиш истагида эканликларини билдиришди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш ва реал даромадларини ошириш борасида ҳам изчил савий-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида мамлакатимизда 53,8 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу иш жойларида ҳозирги кунда 36,4 минг нафар фуқаро меҳнат қилмоқда. Аҳоли бандлигига қўмақлаштириш бўйича давлат Дастурига асосан 2018 йилда 34,6 мингдан ортиқ доний иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Жорий йилда 168,2 минг нафар фуқаро ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида иш бошлаши кутимокда.

Буларнинг барча-барчаси одамларимизнинг фаровон турмуш кечириши ва давлатимиздан рози бўлиб яшашларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда кечаётган шиддатли ислохотлар жараёни халқаро муносабатларни янада ривожлантиришга ҳам хизмат қилаётди, десак асло муболаға бўлмайди. Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида ташкил этилган «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференция ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Ушбу анжуманда Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, ХКУК Умумевропа касаба уюшмалари худудий кенгаши, Халқаро иш берувчилар ташкилоти ҳамда Касаба уюшмалари умумконфедерацияси каби нуфузли тузилмалар, шунингдек, дунёнинг қўллаб-қувватлашга қараётган ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларга оид фикр-мулоҳазалар кўпчилигида катта таассурот қолдирди.

Халқаро анжуман жараёнида иштирокчиларнинг чиқишлари, жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар манфаатлари бўйича бюроси директори Мария Хелена Андре, Таллин техника университети профессори Эрик Райнерт, академик Акмал Саидов, Халқаро касаба уюшмалари умумконфедерацияси бош қотиби Владимир Шербаков томонидан билдирилган долзарб ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларга оид фикр-мулоҳазалар кўпчилигида катта таассурот қолдирди.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Одамлар эрта эмас, бугун бахтли яшашни истайдилар», деган тамойилни илгари суриши мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарвар сиёсат давлат даражасига кўтарилганининг ёрқин ифодасидир. Шунга монанд-мос равишда фаолият юритаётган юртимиз касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар учун ижтимоий қафолатлар ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги савий-ҳаракатлари чиндан-да дунёга намуна бўлгудир.

Бугун Ўзбекистонда одамлар кайфияти, улар интилаётган мақсад ва марралар олис келажакда эмас, балки бугун турмуш-тарзамимизда ўз ифодасини кўрсата билади. Айниқса, юртимизда кечаётган ислохот ва ўзгаришлар самараси ҳақида нафақат халқимиз, шу билан бирга, хорижнинг етакчи сиёсатчилари, экспертлари, «ақл марказлари» вакиллари мунтазам равишда муносабат билдирилаётгани қувонарлидир.

Яна бир жиҳат: Ўзбекистон нуфузли анжуманларини юқори даражада ўтказиш бўйича асосий дирижёрга айланди. Шу йил 26-27 март кунлари бўлиб ўтган Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси, унда кўтарилган масалалар ҳақида дунё жамоатчилигининг кенг муҳокамасида бўлиб турибди. Қўни кеча Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги анжуман ҳақида ҳам фақат илқ фикрларини айтиш мумкин. Мазкур тадбирни «Халқ сўзи» ва «Народное

Омонулло ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» газетаси
бўлим муҳаррири



Эсон РАХИМОВ,
Қашқадарё вилояти касаба
уюшма ташкилотлари
бирлашмаси кенгаши раиси

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида касаба уюшмалари ҳамда барча нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари учун юшқоқлик билан олиб борган фаолиятини бир эслайлик-а. Ушанда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари бўйлаб 2 миллиондан зиёд хонадонга таширф буюрилиб, оддий одамлар ҳаёти ўрганилди. Аҳолини қийнаётган қарийб 650 мингта муаммо аниқланиб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда ижроси назоратга олинди.

Ёки бўлмаса, кам таъминланган, кўп болали оилалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларини жамоа шартномалари ва келишувлари орқали моддий қўллаб-қувватлаётганини олайлик. Яна бир мисол, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрия акцияси доирасида минглаб болаларнинг сунат, юзлаб ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Бу каби хайрли ишларни ижтимоий ҳимоянинг юксак кўриниши сифатида фахр билан тилга олиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мазкур анжуман ижтимоий-меҳнат масалаларини ҳал этишда бевосита қатнашаётган иштирокчиларнинг тақлиф ва мулоҳазалари ҳамда тажрибалари конструктив муҳокама қилинди. Бу эса Ўзбекистоннинг очиклигини, фаол, амалий ҳамкорлиги, халқаро ва чет эл тажрибаларини ўрганиш асосида аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини ҳал этишга тайёрлигини яққол намойиш этди.



этиборсизлик оқибатидир.

Энди бевосита конференцияда иштирок этган хорижий экспертларнинг фикр-мулоҳазалари ҳақида айтиб ўтсам. Уларнинг бари давлат томонидан юритаётган сиёсат «тўғри йўлда» эканлигини қайд этишди. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV) директори Мария Хелена Андре, халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси Бутневропа минтақавий кенгаши ижрочи қотиби Антон Лепник, Латвия эркин касаба уюшмалари иттифоқи президенти Эгилс Балдзене халқаро конференция давомида Ўзбекистоннинг нафақат ижтимоий соҳада, шу билан бирга, иқтисодиёт, молия, ишлаб чиқариш каби йўналишларда олиб бораётган савий-ҳаракатлари ҳақида тўлиқ маълумот олганликларини айтиб, «мамлакатимиз дунё учун тобора очик бўлиб бораётгани, одамлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган кенг қўллаш ва кўп қиррали ислохотлар ҳозирданок ўз самарасини бера бошлаганини» эътироф этишди.

Энди Замбия касаба уюшмалари конгресси раиси ўринбосари Нжову Эластоннинг мана бу фикрларини ўқиб кўринг-а:

Иқтисодиётнинг ривожланиши кучли ижтимоий сиёсат билан бевосита боғлиқ. Негаки, ҳар жиҳатдан ҳимояланган, яъни муносиб меҳнат шартини билан таъминланган жамоадагина юксалишга умид боғлаш мумкин. Шу маънода Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференциянинг аҳамияти ниҳоятда юқори.

Тараққиётнинг янги босқичи



Адҳам ИКРАМОВ,
Ўзбекистон
савдо-саноат
палатаси раиси

Қайд этиш жоиз, айни пайтда Ўзбекистон тўқимачилик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги техникаси, ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, енгил саноат каби соҳалари бўйича глобал таъминот заңжирини фаол иштирокчига айланиб бораёпти.

Президентимиз ташаббуси билан амалиётга жорий этилаётган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси эса юртимизда янги тараққиёт босқичини бошлаб берди. Шунга кўра саноат, қишлоқ хўжалиги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришдан тортиб, ижтимоий соҳалар: таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш каби жиҳатларга берилган устуворлик туфайли эртанги кунга бўлган ишонч тобора залворли кўриниш олмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан Тошкент таъминоти томонидан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожлантириш бўйича белгиланган юксак мақсадларга ҳамоҳанг экани шубҳасиз. Парламентнинг ролини кучайтириш, банк тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, хорижий валютани конвертация қилиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлигини янги босқичга қўтариш, паспорт тизими ва виза бериш тартибини такомиллаштириш каби қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ороҳисини мустаҳкамламоқда. Бу эса нафақат ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ошишига хизмат қилаётган, балки ҳукумат асосларини такомиллаштириш орқали иқтисодиётнинг барча тармоқларида муносиб меҳнат шартини таъминлашга ҳам қўмақлашяпти.

Яна бир қувонарли жиҳати, юртимизда ҳусусий секторни ривожлантиришга қаратилган улкан савий-ҳаракатлар туфайли бизнесни юритиш тартиби изчил равишда осонлаштирилмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларида алоҳида эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватлаш эркини иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ҳам иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этаёпти. Бу эса кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг жадал ривожланишига хизмат қилади. Натижада аҳолининг иш билан таъминланиши, муносиб меҳнат шартини таъминлашга эга бўлиши, муҳими, қўллаб-қувватлаш имтиёзлардан фойдаланиш имконияти муттасил ортиб бораётир.

Халқаро анжуман доирасидаги долзарб мавзулардаги тақлиф ва мулоҳазалар фаолиятимизни янада такомиллаштиришни жадаллаштириши шубҳасиз.

«Ҳозиргача Европа давлатларидаги касаба уюшмалари билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйган эдик. Эндиликда Осиёда ҳам яқин муносабатларни шакллантиришмоқчимиз. Шу сабабга кўра, биринчи бўлиб Ўзбекистонни танладик. Бу беъиз эмас. Ҳозир юртимизда ҳақида халқаро майдонда эҳсас қўлиб иснобий фикрлар билдириляпти. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида, жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи — ижтимоий соҳага қаратилган банди билан чуқур танишиб чиқдик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг олти ярим миллиондан ортиқ аъзоси борлигини эшитиб, яхши таъсирга ортиришимиз мумкин, деган фикрга келдик. Айни пайтда бизнинг Замбияда ҳам ижтимоий масалаларни ривожлантириш устида жиддий ислохотлар олиб бориляпти. Ўйлайманки, Ўзбекистон тажрибаси биз учун эҳсас қўла қилади».

Халқаро анжуман ниҳоясига етди. Ундаги фикр-мулоҳазалар, таассуротлар эса юртимизнинг янги марралар сари интилишида яна бир муҳим асос бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

